

## *Диссертация ишларини баҳолаш мезонлари*

### *Умумий мезонлар*

1. Диссертация тадқиқотининг республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишларига мослиги:

- диссертация мавзуси, тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари ва вазифаларига мослиги;

- тадқиқот методологиясининг миллий иқтисодиётни ислох қилишни стратегик йўналишларига мос келиши;

- таклиф этилаётган таклифлар ва амалий тавсияларнинг мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши;

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари ва устувор йўналишларига мувофиқ равишда, ишлаб чиқаришни ўрта ва узоқ муддатларда янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим тадбирларига мослиги.

2. Диссертация ишининг қуйида келтирилган талаблардан бирига мослиги:

- халқ хўжалигининг муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий муаммоларини ечишга мослиги;\*

- истиқболли йўналишларни ривожлантиришда иқтисодий фаннинг тегишли тармоғига мос янги ва катта ютуқ сифатида баҳолаш мумкин бўлган назарий қоидаларни ишлаб чиқилганлиги; \*

- иқтисодий фаннинг тегишли тармоғи учун муҳим аҳамият касб этувчи долзарб илмий вазифаларни янги ечимларини ишлаб чиқилганлиги;

3. Тадқиқот таркиби (боб ва параграфлар) ва мазмунининг диссертация мавзуси ва ихтисослик паспортига мос келиши.

### **Мақсад ва вазифани, объекти ва предмети баҳолаш бўйича мезонлар**

4. Тадқиқот мақсадининг асосланганлиги, назарий ва амалий аҳамияти.

5. Тадқиқот вазифаларининг олдига қўйилган мақсадга мос келиши. Уларнинг мантиқийлиги ва аниқлиги. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган ва белгиланган вазифаларнинг тўлиқлиги ва қамровлиги даражаси.

6. Бажарилаётган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва илмий изланиш вазифаларини тақсимланиши;

7. Танланган тадқиқот предмети ва объектининг қўйилган мақсад ва вазифаларга мослиги ва асосланганлиги. Диссертация ишининг

мақсади ва ихтисослик паспортига мос равишда тадқиқот предметининг аниқ чегараланганлиги.

8. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда кўриб чиқиладиган масалаларга бевосита алоқадор бўлган илмий ва бошқа маълумотларнинг таҳлил қилинганлиги, умумлаштирилгани ва тизимлаштирилганлиги. Тадқиқ қилинадиган масалалар бўйича янги илмий қоидалар, амалий ишланмалар ва бошқа материалларнинг танқидий таҳлили ва тизимлаштирилгани, шунингдек диссертация тадқиқоти жараёнида улардан фойдаланиш бўйича муаллиф тавсияларининг асосланганлиги.

### **Тадқиқот методологияси ва услубини баҳолаш бўйича мезонлар**

9. Диссертациянинг методологик даражаси. Тадқиқотни ташкил этишда тамойилларнинг асосланганлиги. Тадқиқот методологиясининг миллий иқтисодийнинг вожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегик йўналишларига мос келиши.

10. Янги ишлаб чиқилган иқтисодий таҳлил усуллариининг мавжудлиги, иқтисодий фан соҳасида тадқиқот методологиясини ривожлантирилиши.

11. Ишда методик қоидалар ва тадқиқот усуллариининг асосланган ҳолда фойдаланиш. Улардан тўғри фойдаланилганликни баҳолаш, ҳал қилинадиган вазифалар мураккаблигининг фойдаланиладиган усулларга мослиги, тадқиқот усуллариини ўзаро бир-бирини тўлдириш даражаси. Илмий асосланган ижтимоий тадқиқот усуллариини қўллаш.

12. Ахборот базасининг ишончлилиги ва аниқлиги. Расмий статистик маълумотлардан, ҳисоботлардан, аналитик ва бошқа материаллардан фойдаланилганлиги. Илмий асосланган натижалардан, расмий ва муаллифликнинг ижтимоий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги. Монографик тадқиқотларда апробация қилинган натижалардан фойдаланилганлиги.

13. Диссертациянинг ҳар бир бўлимида олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва асосланганлиги. Таҳлил натижалариини уларнинг мантқан бир бирига зид эмаслигини баҳолаш, фойдаланилган статистик танловни намунавийлигини, натижаларни тест қилиш модели ва бошқаларни баҳолаш.

### **Илмий янгиликни баҳолаш бўйича мезонлар**

14. Диссертациянинг илмий янгилиги:

- назарий умумлашмаларнинг мавжудлиги, илмий йўналиш назариясини ривожлантириш концепциясининг мавжудлиги;\*

- тадқиқот объекти тўғрисидаги янги билимлар, тадқиқотнинг тугалланган шаклида баён этилган аниқ гипотезада, иқтисодий қонуниятда, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ёки тартибга солиш моделида, тадқиқот объектини ривожлантиришнинг альтернатив прогнозиди, ҳисобланган тажриба натижаларини мазмуни, шунингдек формаллашган тавсифига акс этилганлиги;

- дозарб илмий муаммо ва вазифаларни ечишнинг янги усуллари;

- янги ёки такомиллашган мезон ва кўрсаткич;

- долзарб муаммо ёки вазифаларни янгидан қўйиш (мавжудларини олиб ташлаш, янги шартларни қабул қилиниши)

Илмий янгилик қўйилган муаммони ечишда бошқа муаллифларнинг методологик– усулли ёндашув ва амалий тавсияларига нисбатан қиёслаш орқали баҳоланиши лозим. Диссертантнинг илмий ва амалий натижалари иқтисодиётнинг мазкур бўлими ривожланишига қўшган ҳиссаси билан баҳоланади.

15. Эришилган асосий натижаларни хусусан муаллиф томонидан иқтисодий фан ва амалий хўжаликнинг долзарб вазифаларига мослиги.

### **Пироворд натижаларни баҳолаш мезонлари**

16. Қўйилган мақсадга эришганлиги ва вазифаларни ҳал этилганлигини баҳолаш. Хулоса, илмий–амалий таклиф ва натижаларнинг тўлиқлиги ва асосланганлиги, шунингдек уларнинг белгиланган мақсадга мослиги.

Диссертация илмий натижаларининг Республика ва халқаро илмий – амалий конференцияларда апробация қилиниши.

### **Нашрларнинг баҳолаш мезонлари**

17. Нашр этилган ишларнинг илмий даражаси, тўлиқлиги ва сони:

- мақолаларда диссертациянинг назарий ва услубий моҳияти очиқ берилиши лозим. Кўриб чиқиладиган муаммонинг ривожланишида сўнгги концептуал қарашлар таҳлил қилинган, таққосланган ва муаллифнинг мазкур концепциядан фойдаланиш миллий иқтисодиётда мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсиялари билан қарашлари келтирилиши лозим;

-мақолаларда жорий ҳолатни объектив ва чуқур таҳлил қилиш йўли билан, шунингдек қўйилган вазифанинг тадқиқот қилинаётган соҳадаги истиқболли талаблари илмий – назарий, услубий ва амалий ечимлари келтирилиши лозим;

-мақолаларда концептуал қарашлар ва нуқтаи назарлар, шунингдек амалий тавсиялар келгусидаги ривожланиш истиқболига кўрсатилган бўлиши керак;

-мақолаларда диссертациянинг ҳар бир боби бўйича муҳим томонлари, шунингдек, муаллиф тафсилоти билан келтирилган социологик тадқиқотлар натижалари нашр этилган бўлиши лозим.

18.\*\* Республика журналларида нашр этилган монографияга берилган иккита тақриз бўлиши лозим.

### **Натижаларни тадбиқ этиш бўйича баҳолаш мезонлари**

19. Хўжалик юритиш амалиётига илмий натижаларни жорий этиш. Илмий натижалар амалиётга қўлланилганлиги, унинг натижалари хўжалик амалиётида ўз аксини топганлиги тўғрисида юқори ташкилотларнинг далолатномалари ёки уни тасдиқловчи бошқа хужжатларни мавжудлиги билан асосланади.

20. Долзарб илмий муаммони янгидан ечишга хизмат қиладиган ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир эта оладиган тавсия ва таклифларнинг мавжудлиги.\*

21.\*\*\* Илмий натижаларни тадбиқ қилишдан олинadиган асосли ва иқтисодий самаранинг мавжудлиги. Илмий натижаларни тадбиқ этишни баҳолашда иқтисодий самарадорликнинг миқдорий баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилди, масалан:

- қўшилган қийматнинг ўсиши;
- мехнат унумдорлиги ошиши;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархнинг, ресурслар истеъмоли ва материал сиғимкорлигининг камайиши;
- қурилиш қийматининг пасайиши ва харажатларини қоплаш муддатларининг қисқариши;
- инвестициялар самарадорлиги ва инвестиция рейтингини ошириш;
- тармоқ ва ҳудудий тарқибий ўзгаришлардан келадиган самарасида;
- қўшимча иш ўринларини яратишда;
- импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки ривожлантириш бўйича таклифларнинг самарасида;
- инқирозларга қарши бошқариш бўйича таклифларнинг тадбиқ этиш самарасида;
- маҳсулот сифати халқаро стандартларни самарали тадбиқ этиш бўйича таклифлар самарасида;
- транспорт ва юкни етказишнинг иқтисодий мақсадли схемаларини ишлаб чиқишдаги самарасида;
- экологик самарада (атроф муҳитга ҳақиқатда кўрсатилаётган зарарларни пасайтириш);

-тадбирларни тадбиқ этишдан олинадиган қўшимча фойда ва бошқаларда.

22.Ижтимоий самарага эга бўлган илмий ишланмаларнинг тадбиқ этиш:

- назарий ва методологик тавсифга эга бўлган ишлар бўйича мавжудларига янги илмий фикрларнинг устунлиги билан баҳоланади;

- илмий натижаларнинг ижтимоий мақсадларга эришишга таъсир этиш даражасини акс эттирувчи ижтимоий самара (ташқи муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш, турмуш сифати даражасини ошириш ва бошқалар);

23.Илмий натажаларни интеллектуал мулк соҳасига тадбиқ этиш.

Ушбу илмий натижалар тадбиқ этилган бўлиб ҳисобланади:

- ўқув жараёнида фойдаланилаётган, чоп этилган дарслик ва ўқув – методик қўлланмаларда;

-олий ўқув юртлари ва илмий – тадқиқот муассасалари илмий кенгаш қарори бўйича чоп этилган монографияларда;

-патент ва муаллифлик гувоҳномалари, лицензия шартномаларида.

24. Бошқарув органларининг муайян бошқарув қарорлари кўринишидаги илмий натижаларни жорий қилиш. Илмий натижалар қонунчилик ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, дастурлари ва меъёрий ҳужжатлари, йўриқнома, услубий кўрсатма, андоза, меъёр ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган бўлса жорий қилинган деб ҳисобланади.

## **Техник мезонлар**

25. Ишнинг ОАК талаблари асосида расмийлаштирилганлиги. Диссертация авторефератининг мазмунини мослиги. Диссертацияни мантиқан ва аниқ, шунингдек саводли баён этилганлиги. Диссертация ва авторефератни расмийлаштириш бўйича техник талабларига риоя қилинганлиги.

\* - Бу белги билан келтирилган фақат докторлик диссертацияси учун талаблар

\*\* - Бу белги билан келтирилган фақат ижтимоий – гуманитар ва иқтисодий фанлар учун талаблар

\*\*\* - Бу белги билан келтирилганлар фақат табиий, техник ва иқтисодий фанлар учун талаблар.